



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи. А.Умурзақовга

Техник шарт

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябр кунги Раёсат мажлисининг 159-сонли баёнининг 3-иловасида Олтиариқ тумани “Янги Олтиариқ” ЁКСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш ва марказлашган оқава сув тизимига улаш бўйича қурилиш монтаж ишлари олиб бориш юзасидан “Ўзсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Умурзақовнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 450-сонли хатига асосан қуйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Олтиариқ тумани “Янги Олтиариқ” ЁКСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан урганиб чиқилганда ичимлик суви сарфи 40,0 м³/соат ичимлик суви билан таъминлаш учун “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Олтиариқ тумани булими тасарруфидаги марказлашган ичимлик сув тармоғи йуклиги сабабли ушбу ҳудудга 1 (бир) дона диаметри 219 ммли ичимлик тик сув кудуғи қазил, 1 (бир) дона замонавий электр тежамкор “Вило” 8-40/90 сув насоси ўрнатиш, 1 (бир) дона лойиха асосида ТП (трансфарматор) ўрнатиш ва электр ҳаво линиясини тортиш, 1 (бир) дона электр бошқарув ускунаси ўрнатиш, 1 (бир) дона замонавий электр ҳисоблагич урнатиш, 1 (бир) дона замонавий сув ҳисоблагич ўрнатиш, 1 (бир) дона баландлиги 20 метр булган 25 м³ ли сув сизими ўрнатиш ва унга мос автоматик ўчириб ёқиш мосламаси (Поплавок) ўрнатиш, 1 (бир) дона ичимлик сувини зарарсизлантириш ускунаси урнатиш, ҳамда узунлиги 3,0 км SDR17 турдаги полиэтилен 6.0 (АТМ) босимли ичимлик сув қувури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмони ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда иншоот ҳудуди ўралиши ва замонавий ёриткич чироқлари билан таъминланиши шарт.

Оқава сув бўйича:

Олтиариқ туманида ташкил этилаётган “Янги Олтиариқ” ЁКСЗ ни оқава суви тизимлари билан таъминлаш учун уланиш нуқтаси: ушбу ҳудудда оқава сув тизимлари мавжуд эмаслигини инобатга олиб лойиха асосида

лойихавий қуввати аниқланиб 1 дона оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ва 1,0 км оқава сув тармоғи тортиш ишларини ШНҚ, ҚМК, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Олтиариқ тумани “Янги Олтиариқ” ЁКСЗ худудида ичимлик ва оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан ичимлик ва оқава сув объектлари буйича ишлаб чиқилган лойиха смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бош муҳандиси билан келишилиб, 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев